

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1380-ҳадис

3356/1380 – وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ: بِالْقَدُومِ مُحَقَّقَةً.

1380.3356. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Иброҳим алайҳиссалом саксон ёшларида қаддум билан хатна қилиндилар»**, дедилар».

Абу Занод «қадум\* билан» деб, («дал»ни) ташдидсиз ривоят қилган.

\* Бу ердаги «қадум» сўзининг маъносини шорихлар турлича - болта, ўрокранда, искана, теша деб, айримлари эса Шомдаги бир қишлоқнинг номи деб ҳам шарҳлашган.

**Изоҳ:** Иброҳим алайҳиссалом илк бор хатна қилинганлар. У зотга хатна қилиш амр этилганда саксон ёшда бўлганлар. Ҳанафий мазҳабида хатна қилиш суннат амал ҳисобланади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
HUBUVVAT MARVARIDLARI